**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**
**Агентлик директори**
**____________ А. Бурханов**
**2022 йил _5_ январь**
2022 йил 5 январдаги Агентлик
умумий йиғилишининг
1-сонли баённомасига илова

# Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2022 йил I ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Масъул шахслар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ҳамда амалга ошириш | 1. Ўзбекистон Республикасида 2022-2026 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш Миллий стратегиясини қабул қилиш бўйича ишларни якунлаш (Стратегия лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва Президент Администрациясига киритиш). | 2022 йил февраль | Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармонининг 3-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида Миллий маърузани тайёрлаш | 1. Республика миқёсида коррупцияга қарши курашиш борасида тегишли органлар томонидан амалга оширилаётган ишлар бўйича маълумотларни йиғиш;<br>2. Олинган маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилишда Агентликнинг барча таркибий тузилмалари билан бирга ишларни ташкиллаштириш;<br>3. Маълумотлар асосида Миллий маъруза лойиҳасини тайёрлаш. | 2022 йил январь | Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими |
| 3. | Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури тегишли бандларининг ижросини таъминлаш | 1. 2022 йилда бажарилиши лозим бўлган Агентлик масъул этиб белгиланган бандлар ижросини таъминлаш; | 2022 йил январь-июнь | Барча таркибий тармоқ раҳбарлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 2. Давлат дастури ижроси бўйича ҳар чоракда Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашига ахборот киритиб бориш. | ҳар чорак якунида | Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими |
| 4. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ–6247-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Агентликнинг йиллик фаолиятига оид ҳисоботни тузиш | 1. Агентликнинг йиллик фаолиятига оид ҳисоботни тузиш;<br>2. Йиллик ҳисоботни Агентлик расмий веб-сайтига жойлаштириш.<br>3. Агентликнинг йиллик фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказиш. | 2022 йил январь<br><br>2022 йил февраль | Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими<br><br>Матбуот котиби |
| 5. | Мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш, шунингдек, коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини таҳлил қилиш | 1. 2021 йилда содир этилган коррупцион жиноятларнинг вазирлик ва идоралар ҳамда ҳудудлар кесимида таҳлил қилиш.<br>2. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, коррупциявий жиноятлар кўп содир этилган вазирлик ва идораларда бу жиноятларнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш | 2022 йил январь<br><br>2022 йил февраль | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |
| 6. | Коррупцияга оид, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро обрўсига зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилиш ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот киритиш | 1. Олий суддан 2021 йилда судлар томонидан кўриб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро обрўсига зарар етказувчи жиноятларга оид суд ҳукмларини олиш ва комплекс таҳлил қилиш.<br>2. Таҳлил натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот киритиш | 2022 йил февраль | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси<br><br>Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими |
| 7. | Коррупцияга оид жиноятлар оқибатида жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарар тўлиқ қопланилишига эришиш устидан назоратни амалга ошириш | 1. Олий суддан 2021 йилда судлар томонидан кўриб чиқилган коррупциявий жиноятлар натижасида жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарарлар ҳамда | 2022 йил январь-февраль | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | уларнинг ундирилиш аҳволи тўғрисидаги маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш.<br>2. Таҳлил натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига сўров юбориш.<br>3. Коррупциявий жиноятлар натижасида жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарарлар ҳамда уларнинг ундирилиш аҳволи тўғрисидаги маълумотларни ОАВда эълон қилиш. | 2022 йил март | Матбуот котиби |
| 8. | Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 28 май куни ўтказилган 31-сон йиғилиш баёнининг ижросини таъминлаш мақсадида, (Бош прокуратура, Ҳисоб палатаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги) "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан доимий назоратни кучайтириш ҳамда ҳар ҳафтада камида иккитадан вилоятга чиқиш ва жойлардаги муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича маҳаллий ҳокимликларга амалий ёрдам кўрсатиш | "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишларни ҳудудларга чиқиб ўрганиб, аниқланган муаммолар бўйича маҳаллий ҳокимликларга амалий ёрдам кўрсатиш. | 2022 йил январь-июнь<br><br>(алоҳида график асосида) | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |
| 9. | Коррупцияга оид ҳолатлар бўйича тергов ўтказиш ва тезкор қидирув фаолияти самарадорлигини ошириш | Ҳудудларга хизмат сафари давомида коррупцияга оид суд мажлиси якунланган жиноят ишларини ўрганиб чиқиш ва суд амалиётини умумлаштириш. | 2022 йил январь-июнь | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |
| 10. | Давлат харидлари соҳасидаги коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш бўйича ягона амалиётни шакллантириш | Давлат харидлари соҳасидаги суд ҳужжатларини ўрганиб чиқиш ва содир этилган жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2022 йил январь-июнь | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |
| 11. | Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашдаги коррупцион хавф-хатарларни ўрганиш | Мактабгача таълим вазирлигида Давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим муассасалари ташкил этилишини ўрганиш. | 2022 йил февраль | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **12.** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида пуллик хизматларни ташкил этиш жараёнидаги коррупцион хавф-хатарларни ўрганиш | Соғлиқни сақлаш тизимида пуллик хизматларни ташкил этиш аҳволини ўрганиш *(Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти).* | 2022 йил февраль | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |
| **13.** | Лицензия, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарларни ўрганиш | Транспорт соҳасида лицензия (русхатнома) бериш тартибини, жумладан шаффоф тизим мавжудлиги ҳолатларини ўрганиш. | 2022 йил март | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |
| **14.** | Ўзбекистон Республикаси Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ва унинг тизимларидаги коррупцион хавф-хатарларни ўрганиш | Транспорт воситаларини жарима майдонларига жойлаштириш ва чиқариш тартиби ҳамда бу жараёндаги коррупциявий хавфларни ўрганиб, бартараф қилиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш. | 2022 йил апрель | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |
| **15.** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази томонидан Олий таълимга қабул қилиш учун ўтказиладиган кириш имтиҳонларига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар мақсадли ишлатилишини ўрганиш | Олий таълим муассасаларига қабул учун ўтказиладиган кириш имтиҳонларига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар мақсадли ишлатилишини ваколатли органлар билан ҳамкорликда ўрганиб, таҳлил қилиш. | 2022 йил май | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |
| **16.** | Кам таъминланган оилаларга субсидияларининг ажратилиш жараёнида коррупциявий хавф-хатарларни ўрганиш | Кам таъминланган оилаларга уй-жой олиш учун ажратилган бюджет субсидияларининг мақсадли йўналтирилишини *(Жиззах ва Навоий вилоятлари мисолида)* ўрганиш. | 2022 йил июнь | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |
| **17.** | Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш | 1. Давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини рейтинг баҳолаб бориш амалиётини жорий этиш. | 2022 йил январь | Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси |
| | | 2. Даврий равишда рейтинг натижаларини Агентлик расмий саҳифалари ҳамда ОАВда эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш. | 2022 йил апрель | Матбуот котиби |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **18.** | Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этиш | 1. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилган барча давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд штат бирликларини малакали ходимлар билан тўлик жамланишини таъминлаш;<br>2. Барча давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти натижаларини самарали таҳлил ва мониторинг қилиш имконини берувчи электрон платформани ишлаб чиқиш ва ишга тушириш;<br>3. Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятининг ташкил этилиши ҳолатини ўрганиш. | 2022 йил январь-июнь<br>2022 йил 31 май<br>2022 йил 31 март (режа асосида) | Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси |
| **19.** | Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизимини жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш | 1. “Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қабул қилиш билан боғлиқ ишларни якунига етказиш.<br>2. Даромад ва мол-мулк декларациялари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, уларни қайта ишлаш ва текширишнинг электрон ахборот тизимини яратиш.<br>3. Декларация тизими жорий этилиши муносабати билан “Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2022 йил январь<br>2022 йил февраль<br>2022 йил март | Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш бошқармаси |
| **20.** | Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш ва доимий мониторинг қилиш | 1. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятнинг очиқлигини таъминлаш йўналиши бўйича эришган асосий натижалар ҳамда учраётган камчиликлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот тайёрлаш. | 2022 йил январь | Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 2. Ўзбекистон Республикаси Президентига тайёрланган ахборотни Агентлик расмий веб-сайтида эълон қилиш. | 2022 йил март | Матбуот котиби |
| **21.** | Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини йўлга қўйиш | 1. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикани қабул қилишга оид ташкилий ишларни амалга ошириш.<br>2. Методика асосида Давлат органлари ва ташкилотлари очиқлик индексини аниқлаш.<br>3. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган маълумотларни Интернет тармоғига жойлаштириш (эълон қилиш) бўйича мажбуриятларнинг ҳисобини юритиш. | 2022 йил январь<br>2022 йил июнь<br>Доимий | Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси |
| **22.** | Давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини доимий ошириб бориш амалиётини йўлга қўйиш | 1. “Давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича ўқув курсларини мунтазам равишда ўқитиш тизимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Вазирлик ва идоралар ҳамда давлат улушига эга корхоналарга ишга янги қабул қилинган ходимларни меҳнат фаолиятининг дастлабки 3 ойи ичида мажбурий тартибда касбий одоб-ахлоқ қоидалари, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш ва коррупцияга қарши курашиш йўналишида қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш амалиётини йўлга қўйиш. | 2022 йил январь-июнь<br>2022 йил июнь | Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси |
| **23.** | БМТнинг коррупцияга қарши конвенцияси обзорини ўтказишга оид ишларни ташкил этиш | 1. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси обзори саволномаси жавобини олгандан сўнг хорижий экспертларга БМТ ГЖБ орқали юборилишини таъминлаш.<br>2. Хорижий экспертларнинг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш, шу жумладан | 2022 йил январь-июнь | Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан учрашувларини таъминлаш.<br>3. Обзор якуни бўйича экспертлар ва БМТ ГЖБнинг якуний тавсияларини олиш ва уларни эълон қилиш масаласини ўрнатилган тартибда келишиш. | | |
| **24.** | Германиянинг Конрад Аденауэр фонди ва “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти билан ҳамкорлик йўналишларини белгилаш | 1. Германиянинг Конрад Аденауэр фонди ва “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти билан ҳамкорлик йўналишларини белгилаш бўйича музокаралар олиб бориш.<br>2. Музокаралар натижаларига асосан ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. | 2022 йил апрель | Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси |
| **25.** | Марказий банк билан биргаликда банк тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш | 1. Банк тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан тасдиқланган “Йўл харитаси” ижросини мониторинг қилиб бориш;<br>2. Амалга оширилган ишлар бўйича Миллий кенгашга ахборот киритиш. | 2022 йил апрель<br>2022 йил май | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |
| **26.** | Давлат харидлари соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини давом эттириш | 1. Давлат харидлари соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” ижросини мониторинг қилиб бориш;<br>2. Амалга оширилган ишлар бўйича Миллий кенгашга ахборот киритиш. | 2022 йил апрель<br>2022 йил май | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |
| **27.** | Бюджет маблағларининг ишлатилиши, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳаларида ўрганиш ва текширувлар ўтказиш | 1. Мактабгача таълим вазирлигида Давлат-хусусий шерикчилик асосида мактабгача таълим муассасалари ташкил этилишини ўрганиш.<br>2. Соғлиқни сақлаш тизимида пуллик хизматларни ташкил этилиши аҳволини ўрганиш *(Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти).* | 2022 йил январь-февраль<br>2022 йил февраль | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси<br>Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 3. Транспорт соҳасида лицензия (русхатнома) бериш тартибини, жумладан шаффоф тизим мавжудлиги ҳолатларини ўрганиш.<br>4. Олий таълим муассасаларига қабул учун ўтказиладиган кириш имтиҳонларига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар мақсадли ишлатилишини ўрганиш.<br>5. Кам таъминланган оилаларга уй-жой олиш учун ажратилган бюджет субсидияларининг мақсадли йўналтирилиши (Жиззах ва Навоий вилоятлари мисолида) ўрганиш.<br>6. Транспорт воситаларини жарима майдонларига жойлаштириш ва чиқариш тартиби ҳамда бу жараёндаги коррупцион хавфларни ўрганиш. | 2022 йил март<br>2022 йил май<br>2022 йил июнь<br>2022 йил апрель | тизимини жорий этиш бошқармаси |
| **28.** | Жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш | Фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи Коррупцияни қабул қилиш Миллий индексини тузиш. | 2022 йил январь-июнь | Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси<br><br>Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси |
| **29.** | Давлат хизматига халоллик стандарти («ҳалоллик вакцинаси») ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш | Чора-тадбирлар режасини ва таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш. | 2022 йил январь-июнь | Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **30.** | Агентликка давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш | 1. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари мавжуд маълумотлар базалари бўйича ҳуқуқий асосларини ва функционал имкониятларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чикиш;<br>2. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари мавжуд маълумотлар базаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш. | 2022 йил январь-июнь | Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси |
| **31.** | Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш | 1. Ҳудудларда амалга ошириладиган ўрганишлар, тарғибот ва ташвиқот тадбирларига Ҳудудий кенгашлар аъзоларини жалб этиш.<br>2. Ҳудудий кенгашларнинг Иш режаларини ва чора-тадбир режаларини қабул қилишга ёрдамлашиш.<br>3. Ҳудудий кенгашлар фаолиятини рейтинг баҳолаш ишларига услубий кўмаклашиш . | 2022 йил январь-июнь<br>2022 йил январь<br>2022 йил март | Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси |
| **32.** | Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши фаолиятини самарали ташкилий-услубий қўллаб-қувватлаш | 1. Миллий кенгаш томонидан қабул қилинган қарорлар, йиғилиш баёнлари ижросини таъминлаш чораларини кўриш, ижро натижалари бўйича Миллий кенгашга ахборот киритиб бориш.<br>2. Миллий кенгаш иш режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш. | Ҳар чоракда<br>2021 йил январь-июнь | Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси<br>Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими |
| **33.** | Агентликда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш | ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” халқаро стандартларига мувофиқ коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш учун идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш.<br>Агентлик фаолиятини доимий ўрганиб бориш, тизимда мавжуд ёки келиб чиқиши | 2021 йил май-июнь | Ички хавфсизликни таъминлаш ва “комплаенс-назорат” бўлими |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни ҳамда унга сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш.<br>Агентлик ходимлари ўртасида коррупциянинг олдини олиш бўйича тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш. | | |